ҚЎҚОН ХОНЛИГИГА ҚЎШИБ ОЛИНГАН ҲУДУДЛАР ВА УЛАРНИНГ АҲОЛИ ЭТНИК ТАРКИБИГА ТАЪСИРИ

Шаходат Абдукаххаровна Рузматова
Қўқон давлат педагогика институти
gulnozkspi@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Қўқон хонлиги давлати таркибига киритилган ҳудудлар ва ушбу ҳудудлардаги аҳолининг этник таркиби ўрганилган. Шу билан бирга XVII аср охири XVIII аср бошида қўшни худудларда Қўқон хонлиги ҳудудига кўчиб келган мигрантлар ва уларнинг кўчиб келиш сабаблари ҳам муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: Олимхон, Муҳаммад Алихон, Тошкент, Хўжанд, Ўратепа, Туркистон, Дашти Қипчоқ, сарт, қипчоқ, қалмиқ, қошғар, қозоқ, қирғиз, тожик, қорақалпоқ.

TERRITORIES INCLUDED IN KOKAND KHANATE AND THEIR IMPACT ON THE ETHNIC STRUCTURE OF THE POPULATION

Shakhodat Abdukakharovna Ruzmatova
Kokand State Pedagogical Institute
gulnozkspi@gmail.com

ABSTRACT

This article examines the territories of the Kokand Khanate and the ethnic composition of the population in these areas. At the same time, the migrants who migrated to the territory of the Kokand Khanate in the neighboring regions in the late XVII and early XVIII centuries and the reasons for their migration are also discussed.

Keywords: Olimkhan, Muhammad Alikhan, Tashkent, Khojand, Uratepa, Turkestan, Dashti Kipchak, Sart, Kipchak, Kalmyk, Kashgar, Kazakh, Kyrgyz, Tajik, Karakalpak.

КИРИШ

Қўқон хонлиги Марказий Осиёда ташкил топган йирик давлатлардан бири бўлиб, 1709 йилдан 1876 йилгача ҳукмронлик қилган. Қўқон хонлиги XIX асрнинг биринчи ярмида ўзининг ҳудуди жиҳатидан Марказий Осиёда энг катта

давлат ҳисобланиб, унинг чегаралари шарқда Талас водийси бугунги Қирғизистон, Жанубий Қозоғистон, Шарқий Туркистон, Шимолда қозоқ жузлари ва Сирдарёнинг қуйи оқими, ғарбда Жиззах ва Ўратепа, жанубда Туркистон тоғлари ва Тожикистоннинг Дарвоз ва Помир мулкларидан ўтган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Қўқон хонлигининг асосини ташкил этган Фарғона ҳудуди аҳолиси турли хил халқлардан ташкил топган. XVII аср охири XVIII аср бошида қўшни худудларнинг сиёсий нотинчлиги туфайли Фарғона ҳудудига кўплаб ўтроқ ва кўчманчи аҳолилар кўчиб кела бошлайдилар. Манбаларда [1] Қўқон шаҳрида (XVIII аср) яшаётган асосий аҳолидан тўртдан уч қисми самарқандилар (Самарқанд ҳудудидан кўчиб келган бир неча минг аҳоли), қашғарлар, кўхистониларни ташкил этган дейилади. Шарқий Туркистоннинг Цин давлати томонидан босиб олиниши натижасида 9 мингта оила Фарғона ҳудудига келиб ўрнашган. Қипчоқлар Ўрта жуз султони Бараканинг ўғли Шиғайхон бошчилигида Наманганни эгаллаганлар. Туркистон атроф ҳудудларидан эса турклар ва қорамурутлар келиб жойлашганлар. Марказий Фарғона эса Дашти Қипчоқ ҳудудларидан келиб ўрнашган қавмлар маконига айланган эди.

Худоёрхонзода қаламига мансуб “Анжум ат-таворих” [2] асарида келтирилишича, Бухородаги кўп мусулмонлар тотор куффорлар зулмидан қочиб Фарғонага муҳожир бўлиб келадилар. Абдулкаримхон улар учун Андижон атрофидан деҳқончиликка лойиқ ер бериб, улар ҳаққига кўп меҳрибончилик ва шафқат кўрсатади. Андижон ва унинг атрофидаги қошғарликлар шуларнинг авлодидан ҳисобланади. Қалмоқ кофирлари эса Жунғориядан чиқиб Туркистонга бостириб кирадилар ва Тошкентгача бўлган ҳудудларни эгаллайдилар. Тошкент ҳокими Баходирхон Бухорога қочиб у ердан Хижоз сафарига (ҳаж учун) кетади. Қалмоқлар Тошкент вилоятини ҳам эгаллайдилар.

Вақтлар ўтгач қалмоқлар Тошканд ва унинг атрофида яшовчи халқларга беҳад жабр-ситам ўтказа бошлайдилар. Натижада маҳаллий қавмлар бирлашиб Абулфайзхон (Абулайхон, қозоқларнинг Ўрта жуз султони) бошчилигида қалмоқларга қарши уруш бошлайдилар. Ислом лашкари ва қалмоқлар ўртасида аёвсиз урушлар бўлиб ўтади натижада, Дашти Қипчоқ, Туркистон, Тошкент дин ва миллат душманидан соф тоза бўлади.

Ушбу асарда яна таъкидланишича, Абулфайзхон даврида Тошкент ҳудуди қозоқия номи билан маълум бўлган халққа бўлиб берилди ва қуйидагича тақсимланди: Чимкент чимир жамоасига, Тошкент тўрт(даҳа)га бўлингани боис Бешёғоч шайхим тоифасига, Кўкча қўнғирот ва ўрта юзга, Себзор жиниш

фирқасига, Шайх Хованд туҳур эса сиргали, эсли ва учоқли қабилаларига берилди. Чинос кулош, найман ва шунга ўхшаш жамоаларга, Фаркат қишлоғи чакчам қабиласига берилди[3]. Юқорида тилга олинган қабилалар қозоқлар таркибидаги уруғлардир. Лекин бир неча йиллар ўтгач қозоқ ва қирғиз кўчманчиларидан сарт номи билан машҳур бўлган шаҳар ва қишлоқ аҳолисига кўп жабр ва азиятлар етади. Натижада туркий қавмлардан бўлган қанғли, санчиқли, қиёт ва турклар маҳаллий сартлар билан бирлашиб Юнусхўжа Иноятхўжа ўғли бошчилигида қозоқия қавмларига қарши уруш бошлайди. Маҳаллий қавмлар ғолиб келиб қозоқия қабилалари Тошканддан узоқларга кўчиб кетади [4].

В. Наливкиннинг “Краткая история Кокандского ханства” номли асарида берилишича 1758 йили хитойлар Қошғарни қўлга киритгандан сўнг ўн минглаб ўзбек-мусулмонлар Фарғона ҳудудларига кўчиб кела бошлайдилар, улар асосан Андижон, Қўқон ҳудудларига келиб ўрнашадилар.

Бу ерларга яна Қоратегин, Хисор ва Бухородан-тожиклар, Ўратепа ва Бухородан-ўзбеклар ва ниҳоят Туркистон атрофидаги доимий урушлардан қочиб турклар ва қорамурутлар (булар ҳам ўзбеклар) ҳам келиб ўрнашадилар [5].

Шу даврларда кўп эмигрантлар (асосан ўзбеклар) Самарқанд ҳудудларидан ҳам кўчиб кела бошладилар. Сабаби Субхонқулихон ўлимидан сўнг 1114 (1702) йилдан манғит амири Маъсум 1199(1784) йили тахтга чиққунга қадар бу ҳудудда бўлган сиёсий фитна ва тартибсизликлардир [6].

Наливкиннинг берган маълумотларига кўра қипчоқлар ерли аҳолини (сартларни) сиқа бошлаганлар, Қўқонга бозорга келиб ўз ишларини битириб бўлгандан сўнг қайтишда аҳолини кўчаларда очиқчасига ҳақорат қилиб, уст бошларини ечиб олиб, пулларини тортиб олганлар. Халқ бунга қарши бир кун бирлашиб қипчоқларни қира бошлайдилар. Ғазабланган қипчоқлар Ўратепани қўлга киритиб Қўқон сари юра бошлайдилар, лекин Абдукаримбий ўз қўшини билан уларга қарши чиқиб қипчоқларни қириб ташлайди [7].

Мирза Алим ибн Мирза Рахим Тошкандийнинг “Ансаб ас-салатин ва таварих ал-хавакин” асарида келтирилишича Хитой Қошғарни босиб олиши натижасида қалмиқлар, тагликлар, қошғарлар Қўқон ҳудудларга кўчиб келдилар. Унинг устига ўша даврда Самарқанд ҳудудларида экин, ҳосилдорлик бўлмагани учун кўп оилалар ўз уй жойларини ташлаб Қўқонга кўчиб келиб жойлашдилар 1130/ 1717-1718 й.

Хитой Қошғарни босиб олгандан сўнг қалмиқларни бу ҳудудларга юборади. Улар Ўш, Андижон, Марғилон ҳудудларини босиб олиб Қўқон сари юрадилар ва уни қамал қиладилар. Абдукаримхон Ўратепа хокими Фозилбийдан

мадад сўраб унинг ёрдамида қалмиқлар билан жанг қилиб улар устидан ғалаба қозонади [8].

НАТИЖАЛАР

XVIII асрнинг охирига келиб Норбўтабий водийдаги барча беклик ва вилоятларни хонлик таркибига киритади.

Олимхон даврида хонлик ҳудудлари Тошкент ва унинг атрофидаги ерлар ҳисобидан анча кенгаяди. Тарихий асарларда Тошкент мулки вилоят, шаҳар, Тошкент ва Дашти Қипчоқ вилояти номлари билан тилга олинади. Унинг ҳудудларига Охангарон, Чиноз, Тошкент атрофи, Сирдарё бўйларида жойлашган бугунги Туркистон шаҳри ва унинг атрофлари кирган.

XVIII асрнинг ўрталарида, яъни Тошкент шаҳри Қўқон хонлигига киргунга қадар у тўрт даҳага бўлинган. Даҳаларда тўртта эътиборли хонадон вакиллари-Шайхонтоҳур даҳасида Авлайқулихон авлодидан Бобохонтўра, Бешёғоч даҳасида аштархонийлардан Ражаббек, Кўкча даҳасида чиғатойхон авлодидан Муҳаммад Иброҳимбек, Себзор даҳасида Жўжихон наслига мансуб шахс ҳоким бўлиб, улар ўртасида тинимсиз жанжаллар бўлиб турган.

1809 йилда Тошкент Қўқон хони Олимхон қўшини томонидан қайта ишғол этилди. Олимхон 1809/1810 йилларда аввал Саййид Алибек парвоначини, 1810 йилда ўз ўғли Шоҳруҳбекни Тошкент ҳокими, Лашкар бекларбегини эса унинг баҳодирбошиси этиб тайинлади. Шу билан Олимхон Тошкентда узоқ муддат ҳукм сурган Шайҳонтоҳур даҳасидаги эътиборли оилалардан бўлган хўжалар ҳукмронлигини тугатди.

Ушбу асарда яна Умархон даврида Туркистон ва Дашти Қипчоқ ҳудудлари босиб олинганлиги (1231/ 1815-1816 й) [8] ҳақида маълумот берилади, Ражаб қўшбеги Бадахший 1810-1816 йилларда Тошкент ҳокими бўлади. 1815 йилда Ражаб Қўшбеги бошчилигидаги қўшин Туркистонни забт этади. Босиб олинган ерлар Дашти Қипчоқ ҳудудлари билан биргаликда Тошкент вилояти таркибига киритилди. натижада ушбу ҳудудда яшовчи асосан қозоқ, қирғиз, қипчоқ қабилалар хонлик этник таркибига киритилади.

Муҳаммадалихон (1822-1842 й.) ҳукмронлиги даврида мамлакатнинг ҳудудлари янада кенгаяди. Хонлик шимолда Россияга қарашли Ташқи Сибирь округи билан, ғарбда Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги билан, Жанубда Қоратегин, Дарвоз ва ундан узоқроқдаги ерлар-Шуғнон, Рўшон ва Вохон билан, шарқда Қашқар билан чегараланган. Хонлик ҳудудига Сирдарё билан Қоратегин ўртасида жойлашган Фарғона ҳудудлари, Сирдарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Наманган, Хўжанд ва бошқа шаҳарлар, 1817 йилда босиб олинган ,

Бухоро амирлиги ҳамда Қўқон хонлиги ўртасида жойлашган Ўратепа шаҳри, Хўжанд ва Тошкент оралиғида жойлашган Қурама вилояти, Туркистон, Сирдарёнинг юқори оқимидан то Балхаш кўлигача бўлган қирғизлар яшайдиган ерлар, кўчманчи қирғизлар яшайдиган шарқий ва ғарбий тоғ этакларигача кирган.

МУҲОКАМА

Хонлик таркибига киритилган Сирдарё ортидаги Чиноз ҳудудида кураминлар, қорақалпоқлар истиқомат қилганлар [8]. Сох (1284/ 1866-1867й.) [8] ва Андижон [9] ҳудудларида ҳам асосан қирғизлар яшаганлигини Худоёрхонга қарши кўтарилган исёнда қирғизлар (мундуз қабиласидан бўлган қирғиз Мамур) бош бўлганлигидан билиб олишимиз мумкин.

“Тарихи Шохрухий” [9] асарида қайд этилишича XVIII асрнинг 20 йилларида ҳокимият учун манғитлар ва кенагаслар ўртасида кучли жанглар бўлиб ўтади. Натижада кенагаслар йўлбошчиси Иброҳим оталиқ Сирдарё ортида яшовчи қўнғирот ва қорақалпоқ қабилалари ёрдамидан фойдаланади ва ушбу қабилалар етти йил давомида Мовароуннаҳр ҳудудларини талон-торож қиладилар.

Жунғорлар давлатининг Шимолий Тянь-Шаньдаги ҳукмронлиги қирғиз аҳолисининг катта қисмини XVII аср охири-XVIII аср бошларида Фарғона ҳудудларига кўчиб келишига сабаб бўлди, бунинг натижасида бу ҳудудларда кўчманчи янги йирик этнос пайдо бўлди.

Шохрухбийнинг ўғли Низомиддин Муҳаммад Абдураҳимбий ҳукмронлиги (1721-1733 й.) даврида аввал Андижон сўнгра эса Хўжанд (1725 й.), Ўратепа (1726 й.) ҳудудлари Қўқон давлати тасарруфига киритилади. Натижада бу ҳудудда яшовчи тожиклар, турклар (қарлуқ, яғма, чигил, найман, хитой, тоғай ва б.), қирғизлар, қорақалпоқлар, дунганлар, яримўтроқ ўзбеклар (юз, минг, турк, қипчоқ, қурама, кенегас ва бошқалар) хонлик этник таркибига қўшилади.

Олимхон ҳукмронлиги даврида (1798-1810 й.) Тошкент (1806 й.), Оҳангарон воҳаси, Чимкент ва Сайрам хонликка бўйсундирилади. Бу ҳудудларда эса асосан қозоқлар, яримкўчманчи қирғизлар, қорақалпоқлар, қипчоқлар истиқомат қилганлар.

Умархон (ҳукмронлик йиллари 1810-1822 й.) 1815-1816 йилларда Бухоро амирлигига қарашли Туркистонни, Дашти Қипчоқ ҳудудларини, 1817 йили эса Ўратепани бўсундиради. Сирдарё бўйларидаги қозоқларга тегишли бўлган ерларни ҳам босиб олади. Натижада бу ерда яшовчи қозоқлар, турк-мўғул қабилалари (қушчи, найман, уйғур, қурловут, гирайли, қиёт, қўнғирот, дўрмон,

чимбой, шунқорли, бачқирд (бошқирд), жалоир, кенагас, орлот, хитой, ширин, ўтарчи, қанғли, қатағон, қипчоқ, қўнғирот, қиёт, ва ҳ. к.), кўчманчи ва яримкўчманчи халқлар хонлик таркибига киритилади.

Муҳаммад Алихон (1822-1842 й.) даврида эса мамлакатнинг ҳудулари янада кенгайди. Хонлик шимолда Россияга қарашли Ташқи Сибирь округи билан, ғарбда Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги билан, Жанубда Қоратегин, Дарвоз ва ундан узоқроқдаги ерлар-Шуғнон, Рўшон ва Вохон билан, шарқда Қашқар билан чегараланган. Бу ҳудудларда асосан қозоқлар, туркманлар, тожиклар истиқомат қилганлар.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ушбу ҳудудлар қўшилиши натижасида ўтроқ аҳоли этник ва хўжалик ҳаётида ўзгаришлар рўй берди. Ассимиляция жараёнлари тезлашди. Азалий чорвадор этносларнинг ўтроқликка ўтиши, маҳаллий турғун аҳоли билан ҳар жиҳатдан қўшилиб кетиш жараёни янада жадал тус олди. Эндиликда нафақат сиёсий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам яхлит бир ҳудудга айланган Фарғона водийси аҳолиси ҳаётида деҳқончилик ва чорвачилик хўжаликлари ўртасидаги алоқалар мустаҳкамланди. Этник мулоқотлар юзага келиб, интеграция, консолидация ва ассимиляция жараёнлари тезлашди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Бейсембиев Т. К. «Тарих-и Шахрухи» как исторический источник. Алма-Ата: Наука, 1987.-С. 9.
2. Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Тошкент: Фан ва технология, 2014.-Б. 105-106.
3. Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Тошкент: Фан ва технология, 2014.-Б. 147-148.
4. Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Тошкент: Фан ва технология, 2014.-Б. 148-151.
5. В.Наливкин. Краткая история Кокандского ханства. Казань,Типография Императорского Университета.1886 год.-С-22.
6. В.Наливкин. Краткая история Кокандского ханства. Казань,Типография Императорского Университета.1886 год.-С-61.
7. В.Наливкин. Краткая история Кокандского ханства. Казань,Типография Императорского Университета.1886 год.-С-62-64.
8. Мирза Алим ибн Мирза Рахим Тошканди. Ансаб ас-салатин ва таварих ал-хавакин. Тошкент. «Мозийдан садо». 2007 г. С-84-173.

9. Бейсембиев Т. К. «Тарих-и Шахрухи» как исторический источник. Алма-Ата: Наука, 1987.-С. 7.

REFERENCES

1. Бейсембиев Т. К. «Тарих-и Шахрухи» как исторический источник. Алма-Ата: Наука, 1987.-С. 9.
2. Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Тошкент: Фан ва технология, 2014.-Б. 105-106.
3. Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Тошкент: Фан ва технология, 2014.-Б. 147-148.
4. Худоёрхонзода. Анжум ат-таворих. Тошкент: Фан ва технология, 2014.-Б. 148-151.
5. В.Наливкин. Краткая история Кокандского ханства. Казань,Типография Императорского Университета.1886 год.-С-22.
6. В.Наливкин. Краткая история Кокандского ханства. Казань,Типография Императорского Университета.1886 год.-С-61.
7. В.Наливкин. Краткая история Кокандского ханства. Казань,Типография Императорского Университета.1886 год.-С-62-64.
8. Мирза Алим ибн Мирза Рахим Тошканди. Ансаб ас-салатин ва таварих ал-хавакин. Тошкент. «Мозийдан садо». 2007 г. С-84-173.
9. Бейсембиев Т. К. «Тарих-и Шахрухи» как исторический источник. Алма-Ата: Наука, 1987.-С. 7.